

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ХУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ ЗАРУРИЯТИ

Чутбаев Муҳаммадулло Раҳматуллаевич
Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза
қилиш академияси Дастлабки тергов ва
суриштирув кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш зарурияти таҳлил қилинган. Шунингдек жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклашнинг хусусияти ва мазмуни очиқ берилган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, процессуал мажбурият, шахс ҳуқуқларини чеклаш.

Ўзбекистон Республикасида кучли демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг узвий бир қисмига айланган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари – олий қадрият¹ деган конституциявий қонуннинг амалда рўёбга чиқарилишига хизмат қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси², Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт³, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция⁴ каби бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди ҳамда шахс кадр-қимматини ҳурмат қилиш, давлат томонидан инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <http://lex.uz/docs/6445145>

² Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / масъул муҳаррир – ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т., 2002. – Б. 48–53.

³ 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт // Электрон манба: <http://taraqqiyot.uz/fuarolik-va-siyosiy-uular-t2>. (мурожаат вақти: 26.07.2017).

⁴ Ўзбекистан и международные договора по правам человека / Сборник международных договоров по правам человека, к котрым присоединилась Республика Узбекистан. – Т., 1998. – С. 487–504.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

муҳофаза қилиш бўйича юқоридаги халқаро ҳужжатларда акс этган асосий ғояларга амал қилиш вазифасини зиммасига олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ва улар суд қарорисиз чекланиши ёки маҳрум этилиши мумкин эмаслиги тартибга солинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгилаб ўтилган⁵. Қонун мансабдор шахсларга маълум ваколатлар бериш билан бирга уларнинг фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга йўналтиради. Ҳуқуқий таъкиқ қонунга хилоф ҳаракат «эркинлигини» чеклайди, лекин шу билан бирга қонун талабларини сидқидилдан бажараётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофазасини кафолатлайди⁶.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, давлат фаолиятининг бир қатор соҳаларида – маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-процессуал, жиноий-ҳуқуқий ва жиноий-ижроия фаолиятида жамият манфаатлари учун шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилади.

Жиноят процессида шахс эркинлигининг даражаси шахсга тегишли бўлган конституциявий ва процессуал ҳуқуқларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Мисол учун, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи – бу қонун билан кафолатланган айбловни рад қилиш эркинлигидир, ишларни ошкора юритилиши – бу фуқароларнинг суд залига эркин кира олиши, судьяларнинг мустақиллиги – бу уларнинг ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи, эркин эканлиги ва бошқалар.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини назарда тутиб, В. А. Патюлин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг қонуний ҳаракатлари натижасида чекланиши мумкин эмас деб ҳисоблайди. В. А. Патюлиннинг фикрича бу ҳолатда дахлсизлик ҳуқуқи чекланмайди, балки дахлсизликнинг ўзи фактик

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://lex.uz/docs/6445145>

⁶ Қаранг: Воеводин Л.Д., Краснов М.А. О формах конституционного закрепления свободы личности. // Государство и право, – 2002, – №4, – С. 9.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ҳолат сифатида чекланади⁷. А. С. Якубов ва Д. М. Миразовлар эса юқоридаги фикрга қўшилмасдан қонуний асосларга кўра шахснинг конституциявий дахлсизлик ҳуқуқи ҳам чекланиши мумкин (мисол учун, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишнинг қўлланилиши)⁸ дейишади.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда жинойий иш юритуви жараёнида шахснинг конституциявий – шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкин деган қатъий хулосага келиш мумкин. Шунини қайд этиш керакки, бу ҳуқуқ ва эркинликлар аксарият ҳолларда ишни юритишга масъул давлат органларидан бирининг (судья, прокурор) розилиги билан ёки унинг қаршилигисиз чекланиши мумкин.

Бу эса жинойий-процессуал ҳуқуқ соҳасида шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш чегараларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этишини билдиради. Чунки ҳуқуқнинг бу соҳасида суд томонидан ҳали айбдор деб топилмаган шахслар билан ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга киришилади ва жиноят содир қилишда айблов эълон қилинаётган шахсларга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилишига сабаб бўлади. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов ҳамда қамокқа олиш ва уй қамоғи эҳтиёт чораларини қўллаш жараёнида суд томонидан айбдор деб топилмаган шахсларнинг шахсий эркинлиги ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, айбланувчини лавозимидан четлатишда эса меҳнат қилиш, хусусан эркин иш жойи ва касб танлаш ҳуқуқи, айбланувчининг мулки хатланганда эса унинг мулк ҳуқуқи (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш) чекланади, айбланувчини тиббий муассасага жойлаштиришда ҳам шахсий эркинлик ҳуқуқи чекланади. Жиноят иши бўйича далилларни тўплаш мақсадида қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда шахснинг бошқа конституциявий ҳуқуқлари – тинтув ва олиб қўйишда (уй-жой дахлсизлиги), почта-телеграф жўнатмаларини хатлашда, уларни кўздан кечириш ва олиб қўйишда (ёзишма ва хат-

⁷ Қаранг.:Патюлин В. А. Государство и личность. – М.:Наука, 1974, – С. 135.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига шарҳ. – Т., 2008, – Б. 96–98.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

хабарларнинг сир тутилиши, шахсий ҳаёт дахлсизлиги)⁹, гувоҳлантириш ва экспертиза жараёнида (тана дахлсизлиги), шахсий тинтув ва экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш жараёнида (шахсий ва тана дахлсизлиги) чекланишига йўл қўйилади.

Шахснинг жиноят-процессуал муносабатларга киришиши унинг жамиятдаги эркинлигини белгиловчи ҳуқуқий, конституциявий мақомининг ўзгаришига олиб келмайди. Балки у қўшимча тарзда – махсус процессуал (айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, таржимон, холис ва бошқа) мақомга ҳам эга бўлади.

Шахснинг умумҳуқуқий мақоми (шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари) асос сифатида белгиланса, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда улар қандай чекланиши кузатилса жиноят иш юритуви соҳасида ҳуқуқларни чеклашнинг чегарасини умумий миқёсини белгилашга имкон туғилади.

Юридик адабиётларда инсоннинг умумҳуқуқий мақоми, шу жумладан шахсий эркинлик ҳуқуқини ташкил қилувчи қонуний манфаатлар (ҳуқуқлар) тизими ҳақида турли хил қарашлар мавжуд¹⁰. Бу хусусда билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида бизнингча, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини иккита катта соҳага – шахсий дахлсизлик институти (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 25-модда) ва инсоннинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги институтларига (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-модда) ажратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи деганда – ҳар қандай шахс ёки фуқаронинг эркинлигини ва шахсий хавфсизлигини давлат томонидан кафолатланганлиги тушунилади. Бу кафолат инсоннинг ҳаёти, соғлиги, тана дахлсизлиги, жинсий эркинлиги ва жисмоний дахлсизлиги; шаъни, кадр-қиммати, маънавий

⁹ Новожилов С.А. Допустимость и пределы ограничения прав человека в досудебном производстве по уголовному делу. Автореф.дис...канд.юр.наук. – СПб.,2005. – С. 19.

¹⁰ Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар.Ю.ф.д. дисс...автореф. – Т., 2005, – Б. 17.; Корнуков В.М. Конституционные основы положения личности в уголовном судопроизводстве. – Саратов, 1987. – С. 14–21.; Ахпанов А.Н. Пределы правоограничений личности в уголовном судопроизводстве. – Караганда, 1995. – С. 35–47.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

эркинлиги¹¹; руҳий дахлсизлиги; ўзини идора қилиш ва ўз хоҳишига кўра яшаш жойини танлаш имкониятида ифодаланган инсоннинг шахсий эркинлиги, шахсий хавфсизлиги¹²га нисбатан тажовузларга йўл қўймаслик, уларни олдини олиш ва бундай тажовузларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлашда ифодаланади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг иккинчи кенг соҳаси – бу инсоннинг шахсий ҳаёт дахлсизлигидир. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги – бу ёлғиз қолиш эркинлиги; мулоқот эркинлиги; ёзишмалар, телеграф жўнатмалари ва телефон сўзлашувларини сир сақланиши, кундалик юритиш ва шахсий ёзувларни сир сақланиши; жинсий ва умуман шахсий ҳаётнинг сир сақланиши; шифокорлик сирлари; фарзандликка олиш сиридир¹³. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги тушунчасини ҳам ўз ичига олган жуда кенг қамровли шахс дахлсизлиги тушунчасини шакллантиришга йўналтирилган уринишлар илгари ҳам бўлган¹⁴.

Шахсий ҳаёт ҳуқуқи ва уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида тартибга солинган бўлиб, унда «шахсий ҳаёт» ва «ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилинмаслик» терминлари тенг кучли мазмунда ифодаланган. Бироқ кўрсатиб ўтилган тушунчаларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатадики, «шахсий ҳаёт» – асосий тушунчадир, «уй-жой дахлсизлиги»¹⁵ ва «ёзишмаларнинг сир сақланиши» – унинг таркибига кирувчи қўшимча тушунчалардир. Шахсий ҳаётнинг давлат

¹¹ Саидов Б.А. Дастанбери терговда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши. Ю.ф.н. дисс...автореф.– Т., 2002. – Б. 15.

¹² Умархонов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш муаммолари. Ю.ф.н. дисс...автореф. – Т., 2004. – Б. 8

¹³ Демирчян В.В. Ограничение прав подозреваемого, обвиняемого на неприкосновенность личности и частной жизни в досудебном производстве. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Краснодар, 2010. – С. 7–8.

¹⁴ Карпунина Н.А. Охрана частной жизни как принцип Российского уголовного процесса. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Самара, 2004. – С. 11.; Юридическая энциклопедия / проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2001. – Б. 544–545.; Тўлаганова Г. Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш масаласи юзасидан баъзи фикрлар // Ҳуқуқ-Право-Law, – 2003, – №3, – Б. 54–55.; Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 164.; Гонтарь С.Н. Особенности обеспечения неприкосновенности частной жизни лица на досудебных стадиях уголовного судопроизводства. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Волгоград, 2005. – С. 10.

¹⁵ Наумов С.Н. Производство следственных действий, ограничивающих неприкосновенность жилища. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – М, 2010. – С. 13–14.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th July, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида кафолатланган оила ва никоҳ соҳасидаги муносабатлар билан ҳам узвий боғлиқлигини қайд этиш керак.

Шахсининг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш заруратини процесс иштирокчиларидан бирортаси зиммасига юклатилган мажбуриятни ўз хоҳишига кўра бажаришдан бўйин товлаганида, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қилган вазиятларда юзага келиши билан асослаш мумкин. Бу эса процессуал мажбурловни қўлланилишини тақозо этади. Қайд этиш жоизки, процессуал мажбурлов ўзининг ижтимоий бурчини, процессуал мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган процесс иштирокчиларигагина нисбатан қўлланилади. Яъни, жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жинойий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидирлар.

Бу эса, жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва мутахассис, таржимон, холис ва бошқа процесс иштирокчилари ўз ижтимоий бурчларини бажаришдан бўйин товлашганда ёки бажармаганида давлат мажбурлов чоралари қўлланилишида намоён бўлади.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

